

---

Фурқат тумани дунёга очилмоқда: туманда илк замонавий меҳмон уйи фойдаланишга топширилди, инфор­мацион технологиялар ва япон тили соҳасида ёшларга таълим бериш маркази иш бошлади

**Вилоят ҳо­ки­ми Хайрулло Бозоров, Фурқат туманида турли соҳаларда амалга ошири­лаётган янги лойиҳалар билан танишиш жараёнида Истиқлол маҳалла фуқаро­лар йиғинида тадбиркор Зафаржон Бектошев то­мо­нидан барпо этилган, умумий лойиҳа қий­ма­ти 3 млрд.сўм бўлган мух­та­шам оилавий меҳмон уйини ҳам кўздан кечирди. Тумандаги илк меҳмонхона сифатида фао­лият бошлаган бу мас­кан­да бир вақтнинг ўзи­да 24 нафар меҳмонга хиз­мат кўрсатиш им­ко­ния­ти мав­жуд. Вилоят ҳо­ки­ми меҳмон уйи хиз­мат­ла­ри сифати­ни ошириш бўйича тадбир­корга ўз тавсия­ла­ри­ни берди.**







**Хайрулло Бозоров, шунингдек, туманнинг Чиркай маҳалла фуқаролар йиғинида “Zarafshon Uchiyama System” МЧЖ ҚК раҳбари, япониялик тадбиркор Жуничи Сугимото ҳамда туман ҳокимлиги қўшма ташаббуси билан ёшларга инфорацион технологиялар ва япон тили соҳасида таълим бериш мақсадида ташкил этилган “YAMATO IT ACADEMY” номли ўқув марказида бўлиб, таълим олаётган ёшлар билан мулоқот қилди. Бу ерда йўлга қўйилган таълим дастури доирасида ёшларга компьютер саводхонлиги ҳамда Японияда ишлаш учун етарли тил кўникмалари ўргатилади.**







2022-01-28 21:44:28